

823/58
M87

Шермухаммад Мунис

САВОДИ ТАЪЛИМ



سنة

سنة

3)



FF0000014616

83.313.8
1187

ШЕРМУҲАММАД МУНИС

САВОДИ ТАЪЛИМ

(АДАБИЕТ УЎҚИТУВЧИЛАРИ УЧУН ҚўЛЛАНМА)

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
Республика Таълим маркази нашрга тавсия этган*



ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1997

Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи — Нусратулло Атоулло ўгли Жумахўжа

Ушбу китобча минг йиллик маънавий меросимиз яратилган хат ҳақида мукаммал маълумот берувчи асл манбалардандир. Китоб Сизни қалам ва ёзувнинг умрибоқий моҳиятидан, арабий хатнинг мазмунни саъбаткорона ифодалаш хосиятидан, Муниснинг хаттотлик маҳоратидан баҳраманд этади.


Асар матни Мунис мероси қўлёзмаларининг асл ва таянч нусхаларини қиёсий ўрганиш йўли билан тайёрланди. Нашрда, асосан, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 940- ва 1330-рақамлар билан сақланаётган «Мунис ул-ушшоқ» девони қўлёзмаларига суянилди. Рисолада «Саводи таълим»нинг кириллдаги матни билан бирга, Муниснинг ўзи ёзган табаррук дастхати 1330-рақамдаги девондан кўчирма қилиб берилди.

М 87

Мунис Шермуҳаммад.

Саводи таълим: (Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма). //Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Нусратулло Атоулло ўгли Жумахўжа/. — Т.: Ўқитувчи, 1997. — 48 б.

ББК 81.2 араб — 8я75+
63.2я75



4306010400—38
М 353 (04) — 97 197—96

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1997

ISBN 5-645-02904-6

САВОДНИНГ БЕШИГИ — АЛИФБЕ

Шермухаммад Мунис XVIII аср охири — XIX аср бошларида (1778—1829) Хоразмда яшаб ижод этган йирик ўзбек шоири, таржимон, муаррих ва мураббийдир. У «Мунис ул-ушшоқ» девони, илмий-маърифий руҳдаги «Саводи таълим» рисоласи, «Фирдавс ул-иқбол» солномаси каби асарлари билан ўзбек маданияти хазинасини бойитди, шунингдек, у Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарини ўзбек тилига ўгирди.

Маърифатпарварлик Мунис шеъриятининг {етақчи ғояларидандир. «Саводи таълим» рисоласи унинг бу борадаги хизматининг салмоқли қисмини ташкил этади. Гарчи бу асар асос эътибори билан хаттотлик илмига оид бўлса-да, унда Муниснинг устод Ибн Ҳожиб ҳақида, ёзувнинг маданият тараққиётидаги ўрни, хусусан, ҳуснихат таълими ва, умуман, таълим-тарбия тўғрисидаги қимматли фикрлари мавжуд.

Қалбида хат-савод ўрганиш, билимдон киши бўлиб етишиш истаги туғён урган Шермухаммад Мунис илмда камолотга эришгач, таълим ишини осонлаштиришга қатъият билан киришади ва бу борада кўп изланади. Ёшларга ўзи таълим бера бошлайди. У мураббийлик қилар экан, таълим усулларига ижодий ёндашади, ўз таъбири билан айтганда, «билганча суруб қаламни ҳар ён, таълим ишин айлар эрди осон». Лекин Мунис бу билан қаноатлана олмайди, олижаноб орзулари навқирон қаламкашни ҳуснихат таълимига оид бир рисола яратишга илҳомлантиради:

Лекин кўнгул ичра эрди бу ком,
Қилсам рақами улуми арқом.

«Саводи таълим» асари ана шу тарзда вужудга келади.

«Саводнинг бешиги — алифбе» деганларидек, Мунис ҳам таълимдаги муваффақиятларнинг гарови савод

эканлигини тушунган ва шунинг учун «улуми арқом» — ёзув илмини яратишга бел болаган. Муаллифнинг ёзишича, у «жидду жаҳд» билан ҳаракат қилиб, «Саводи таълим» манзумасини ҳозирги ҳисоб билан 1804 йил 6 декабрда (ҳижрий 1219 йил, рамазон ойининг учинчиси — чоршанба куни) ниҳоясига етказди.

Шарқда, анъанага кўра, шоир ва олимлар қандай мавзуда асар ёзмасинлар, гапни тангрига ҳамд, пайгамбарга наът, ҳукмдорга мадҳ, салафлари, устозларига тавсифдан бошлайдилар. Мунис ҳам «Саводи таълим»нинг дастлабки қисмида ҳуснихат илмининг устози мадҳига тўхталади ҳамда унинг фазилатлари ҳақида меҳр билан сўзлайди. Устозини маъшур араб тилшуноси ва араб хатининг қошифларидан бири Ибн Ҳожибга ўхшатиб таърифлайди:

Ҳар илмда жомнул-фозойил,
Ҳар ҳукмда воқифул-масойил.
... Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,
Илм аҳлига эҳтироми вожиб.

Шоир устозининг хушхатлигини муболағали ифодалар билан тасвирлайди:

Хаттидин ўлуб хужаста таълим,
Таълим фани хатига таслим.

Гўё таълим Ибн Ҳожиб ҳуснихатининг жозибаси туфайли қутлуғ ва муборак бўлган, гўё унинг бокира дастхати олдида таълим бош эгиб таслим бўлган. Бу шогирднинг устозга нисбатан чинакам ифтихор туйғулари изҳоридир.

Манзума муаллифи асарда қалам васфига катта ўрин ажратиб, унинг аҳамияти, қадрини завқ билан куйлайди:

Эй аҳли қаламлиқ этган исбот,
Лозимдурур айласанг мубоҳот.

Мунис қалам соҳибларини (шоир, ҳаттот, котиб ва ҳ. к.) табаррук, қутлуғ ва шарафли касб эгалари деб билади ҳамда уларга мурожаат қилиб, ўз касблари билан фахрланишлари лозимлигини айтади. Қаламни «жон» сузи (جان) ўртасидаги (1) ҳарфига нисбат

бериб, уни жондек азиз дейди, уни ҳарфидан «шароби маъни» оқиб турувчи найшакарга ўхшатади.

Шоир қаламнинг ижтимоий аҳамиятига юксак баҳо бериб, дейди:

Илм аҳли пасибди андин афзуи,
Жаҳл аҳли анинг ғамида маҳзун.
Олам иши интизоми андин,
Олам элининг низоми андин.
Ул бўлмаса, бўлмағай китобат,
Бу бўлмаса, қолмағай ҳикоят.

Мунис «Саводи таълим»да хат таърифига алоҳида тўхталиб, уни «сўз махзанининг нишонаси», «маъни дурининг хизонаси» дея таърифлайди. Ёзувчи жамият тараққиётидаги тарихий бир зарураг сифатида баҳолайди:

Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд.

Муаллиф, ҳуснихат урганишдан мақсад, «хатти хўб»ни эгаллаш эканлигини уқтиради ва асар давомида чиройли ёзишнинг шарт-шароитлари, тадбирлари ҳақида батафсил фикр юритади.

Мунис хат ёзувчи ва савод урганувчига дид билан қалам танлаш ҳамда рангли қаламлар ишлатиш тўғрисида қимматли маслаҳатлар беради. Маълумки, Мунис яшаган даврда қалам қамнишдан қўлда ясалар, тўғрироғи, йўнилар эди. Бинобарин, у қалам йўниш қоидаларини ҳам муфассал баён этади.

Асарнинг сўнгги қисмларида Мунис араб алифбе-сидаги ҳар бир ҳарфнинг ёзилишини маҳорат билан тушунтиришга киришади, ўқувчида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун фикрларини содда ва тушунарли баён этишга ҳаракат қилади, ҳарфларни турли шаклдаги жисм ёки жониворларга ўхшатиб тасвирлайди:

«Зо» ۞ уч нуқату валеқ саркаш,

Қилса бўлур они қушға ўхшаш.

Кўп уринларда Мунис савод таълими ҳақида рисола яратган устозларининг фикрларига муносабат билдиради, улар билан мубоҳаса юритади ва ўз мулоҳаза-

ларини дадил баён этадики, бу ҳам унинг чинакам олимлик истеъдодидан далолат беради:

«То» ↓ зикрида деги баъзи устод,
Зебо алифёю аввалли «сод».
Бу нуқтага мен қилурман инкор,
«Сод» ости эрур сатбар бисёр.
Таълим будур, қилурман иймо.
«Ро» фавқиди тутса ер нигун «ро».
Тутса «алиф» устида нишиман,
Мииган кишидек саманд тавсан.
Бир нуқта «алиф»нинг иттисоли,
То «ре» сўнгиким бор эрди холи.

Мунис ўз асарини ниҳоясига етказар экан, ундан илм толиблари баҳраманд бўлишларини орзу қилади. Бу эзгу орзунинг амалга ошганлиги — «Саводи таълим»-нинг ўзбек хаттотлиги тарихида муҳим воқеа бўлганлиги, бу асардан кўплаб талабалар фойдаланиб, стух хаттот бўлиб етишганликлари билан изоҳланади.

Асар бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Унинг араб алифбесига оид амалий қисми ҳали ҳам эски ўзбек тили ва ҳуснихатини ўрганувчилар, шарқ-шунослар учун қимматли қўлланма вазифасини ўтай олади.

Шермуҳаммад Муниснинг «Саводи таълим» рисо-ласи назмий жозибдорлиги ҳамда тасвирдаги образ-лилиги билан ўқувчига эстетик завқ бахш этади. Умуман, Мунис шеъриятини кузатганимизда, шонр вази танлаш борасида юксак бадиий дид эгаси бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу фикримизнинг исботини «Саводи таълим» мисолида ҳам кўришимиз мумкин. «Саводи таълим» арузнинг ҳазаж баҳри тармоғидаги «ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуб» вазнида ёзилган:

Мафъулу мафоилун фаулун
Мафъулу мафоилун фаулун
— — V/V — — V — — /V — —

Муниснинг машҳур «Лайли ва Мажнун» достонлари яратилган бу вазини танлашни бежиз эмас. Зеро, ўйноқ ва таъсирчан вазигина Мунис муддаосига мос келарди. Чунки мусиқий оҳанглар силсиласини ташкил

этувчи бу вази орқали ўқувчи асар моҳиятини осонлик билан идрок этади ва, ҳатто, хотирасида узоқ вақт сақлаб қолади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, шеърий йўл билан илмий асарлар яратиш ўзбек мумтоз назмининг гўзал хусусиятларидан биридир. Мунис ҳам ана шу имкониятдан маҳорат билан фойдаланди.

Манзумани яратиш жараёнида шоир сўз ва ҳарфларнинг ёзилиш шаклидан мароқли манзаралар ижод этади, сўз ўйинлари, муболага, тазод, ташбеҳ, тарсеъ каби бадий усул ва воситаларни қўллайди. Мазкур асарни чинакам илмий-маърифий манзума ва юксак шеърий маҳорат маҳсули сифатида ўрганиш муҳимдир.

Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа

САВОДИ ТАЪЛИМ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Айтар сано¹ ангоки хома,
Чекти чу битарга турфа нома.
Лавҳи азал узра қилди марқум²,
Ижод аро ҳар не эрди маълум.
Ҳам ёзди вужуд ила адамни³,
Ҳам айлади сабт⁴ бешу камни.
Ёйди етти чарҳини варақсон,
Анжум била айлади зарафшон.
Ашёға чу сурди килки иншо⁵,
Инсон рақамини қилди туғро⁶,
Улдур аҳади карими мутлақ⁷,
Ботил⁸ уза чеккучи хати ҳақ,
Исён сори хома⁹ сургучи ҳам,
Ёзуқ¹⁰ рақамини ўчургучи ҳам.

МУНОЖОТ

Ёрабки, мани сиёҳнома,
Юзи қаромен нечукки хома.

¹ Сано — мақтов, мадҳ. ² Марқум — рақам қилинган; ёзилган, битилган. ³ Вужуд ила адам — борлик ва ҳуқуқлик. ⁴ Сабт — ёзиш, қайд этиш. ⁵ Килки иншо — яратиш қалами; аллоҳнинг қудрати. ⁶ Туғро — герб, давлат нишонаси; бу ерда аллоҳ инсонни жамми мавжудотнинг энг отук ва олий палунаси, ўзининг тирек тўмасоли сифатида яратганлиги назарда тутилган. ⁷ Аҳади карими мутлақ — худонинг сифатлари. ⁸ Ботил — бузилган, бузуқ, бекор қилинган; беҳуда, асоссиз, тубсиз. ⁹ Ҳома — қадам, илоҳий қалам. ¹⁰ Ёзуқ — гувоҳ, айб; айбдорлик.

Лавҳи амалим¹¹ ғамфизодур¹²,
 Журмим¹³ рақами била қародур.
 Раҳмат суйи бирла қил юзум оқ,
 Андоқки, баёзи сода авроқ,
 Абри карамингдин¹⁴ обрў бер
 Лавҳи амалимга шусту шў¹⁵ бер.
 Номам аро бўлса ҳар ёмони,
 Яхшилиқ ила бадал қил¹⁶ они.
 Афъоли бадимни¹⁷ айла мастур¹⁸,
 Мужримлар¹⁹ ичида қилма машҳур.
 Муниси қутор²⁰ хижолатидин,
 Султони расул шафоатидин²¹.

НАЪТИ САЙИД УЛ-АНБИЕ²²

Шоҳаншаҳи кишвари нубувват,
 Якто дури афсари футувват.
 Анбўйи расул аро саромад,
 Сардафтари анбиё Муҳаммад.
 Зоти сабаби вужуди олам,
 Андоқки, эрур туфайли одам.
 Одамға малойика сужуди,
 Андин эдиким, анинг вужуди
 Тифл эрканида кўруб аломат,
 Изҳор қилиб баса каромат,
 Буъсат аро чун ёзилди оти,
 Ер юзини тутди муъжизоти.

¹¹ *Лавҳи амалим* — қилмишларим, фаолиятим саҳифаси.
¹² *Ғамфизо* — қайгули, ғамгин. ¹³ *Журм* — гуноҳ, жиноят.
¹⁴ *Абри карам* — каромат, марҳамат, раҳм шафқат булуту. ¹⁵ *Шусту шў* — ювиниш, покланиш. ¹⁶ *Бадал қилмоқ* — алмашлаш, айирбош қилиш. ¹⁷ *Афъоли бад* — ёмон феъл-ҳаракат, иш, қилиқ. ¹⁸ *Мастур* — беркитмоқ, яширмоқ, пардаламоқ. ¹⁹ *Мужрим* — гуноҳкор, айбдор. ²⁰ *Қутор* — қутқар. ²¹ *Султони расул шафоати* — пайгамбар шафоати, воситачилиги. ²² *Наъти сайид ул-анбиё* — улуг Муҳаммад пайгамбар мадҳи.

Меърож мақомига бериб зайн,
Ҳосил анга қурби қоби қавсайн,
Чун дўстга арзи ҳожат айлаб,
Уммат гунаҳин шафоат айлаб.
Дини қуёши камол толиб,
Зулмоти милал завол топиб.
Равшан қилибон усули шаръин,
Оламга ёйиб фуруғи фаръин.
Дин аҳлига айлади иноят,
Қатъ этгали маслаки ҳидоят.
Шойиста дурудлар дамодам,
Бўлсун анга оли покиға ҳам.
Асҳобиға бешумор раҳмат,
Аҳбобиға ҳам нисори раҳмат.

**ИЛМ ДЕБОЧАСИНИНГ УНВОНИ ХУЛҚ
МАЗОМИНИНИНГ ДЕВОНИ АНИ
МАСНАДНИШИНИ МАҲКАМАЙИ ҚОЗИЮ
Л-ҚУЗЗОТИ ҲАЗРАТИ МАХЗУМ
АБДУЛЛАТИФ ИБН ҚОЗИ САФО**

Мунис, адаб иқтизоси²³ бирла,
Сур хома²⁴ биров дуоси бирла.
Ким ахтари буржидин эрур ул,
Сайёри раҳи яқин эрур ул.
Мавлоий жамиъ аҳли идрок,
Фархунда жамоли арсайи хок.
Фармонбари ҳукми ҳазрати ҳақ,
Огоҳи рамузи ҳикмати ҳақ.

²³ Иқтизо — тақозо. ²⁴ Хома — қалам.

Ҳар илмда жамеъ ул-фазойил²⁵,
Ҳар ҳукмда воқиф ул-масойил²⁶.
Мажмуъи улум ичида маълум,
Қозийи баландрутба махзум.
Муҳри шараф ичра меҳри рахшон.
Онсиз хат ўлуб саводи батлон.
Ҳам маҳкамаси сипеҳр тимсол,
Ҳам маснад анга бисоти иқбол.
Ҳукми аро расми адл возеҳ²⁷,
Адли аро ҳукми шаръ лойеҳ²⁸.
Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,
Илм аҳлиға эҳтироми вожиб.
Фиқҳ ичра камоли андин афзун
Қим, демак эрур гумондин афзун.
Хаттидин ўлуб хужаста²⁹ таълим,
Таълим фани хатиға таслим.
Шармандаи хатти сабза хатлар,
Хол офати хаттида нуқатлар.
Таълим берур на бир рақамдин,
Хат ёзмоқ иши ети қаламдин.
Ёлғиз на буларки, ҳар фазойил
Рӯзисидур уйлаким хасойил.
Ахлоқи ҳамида вақфи зоти,
Ҳар халқ аро ёзилиб сифоти.
Юз шукрки, толеим бўлуб ром,
Шогирдлиғида топмишам ком.

²⁵ *Жамеъ ул-фазойил* — барча фазилат ва етукликни ўзида туплаган. ²⁶ *Воқиф ул-масойил* — масалалардан хабардор, огоҳ.
²⁷ *Возеҳ* — равшан, очиқ. ²⁸ *Лойеҳ* — порлоқ, равшан, кўринувчи.
²⁹ *Хужаста* — қутлуг, муборак.

Хатким, манга ҳақ иноятидур,
Ҳазрат карами шарофатидур.
То хат асари варақда пайдо,
То олам аро варақ ҳувайдо³⁰.
Булсун варақи бақо ҳаёти,
Жовид ёзилсун анда оти.

БУ РИСОЛА НАЗМИНИНГ САБАБИ

Кўп муддат эди гуруҳи муштоқ
Таълими суманбарига ушшоқ.
Машқ этмак ишида хат битарга,
Таълим вуқуфига етарга.
Айлар эди хидматим аро пўй,
Дилреш ўлуб уйлаким, қаламмўй.
Ман ҳам нечаким хатим хат эрмас,
Бал қонда мустарига кирмас.
Маъюс эта олмайин аларни,
Ҳирмон аро солмайин аларни,
Билганча суруб қаламни ҳар ён,
Таълим ишин айлар эрдум осон.
Лекин кўнгул ичра эрди бу ком,
Қилсам рақаме улуми арқом³¹.
Андин талаб аҳли бўлса маҳзуз³²,
Таълим фанин қилурда маҳфуз³³.
То илкима тушди бир рисола,
Хат қондасидур ойға ҳола.

³⁰ *Ҳувайдо* — мавжуд, аён, зоҳир, ошкор. ³¹ *Улуми арқом* — рақамлар, яъни ҳарфлар илми; алифбо таълими. ³² *Маҳзуз* — баҳраманд. ³³ *Маҳфуз* — ҳофиза, яъни хотирада сақлаш.

Ҳиммат камарин белимга боғлаб,
Назм айлагали ўзимни чоғлаб,
Бердим қаламим отиға маҳмез³⁴
Майдони варақ уза суруб тез,
Ераб, бу отимни ланг қилма,
Гумроҳи раҳу даранг қилма.
Шаҳроҳи мақосидим сори сур,
Сарманзили интиҳоға еткур.

ҚАЛАМ ТАЪРИФИ

Эй, аҳли қаламлиқ этган исбот,
Лозимдурур айласанг мубоҳот³⁵
Ким, келди қалам ҳужаста авсоф,
Ҳар нечаки васф улур, эмас лоф,
Муншийи ҳуруфи дин қаламдур,
Ҳақ сирларига амин қаламдур.
Аввал нимаким тузолди буди,
Гўёки эди қалам вужуди.
Ҳар неки азалда буду нобуд,
Мақбул бор эрса, хоҳ мардуд,
Эрмас бори тошқари қаламдин,
Лавҳ узра ул айлаган рақамдин.
Бил, дедилар аҳли маъни они,
«Жон» ўртасида «алиф» нишонни.
Зебо қамишини найшакар бил,
Нўғида³⁶ онинг шакар самар бил.

³⁴ Маҳмез — отни ниқтаб юргизиш учун чавандознинг этиги-
га ўрнатиладиган ҳалқача. ³⁵ Мубоҳот — фахрланиш, ифтихор.
³⁶ Нўғида — учиди; қалмнинг учидан шакар томади, демоқчи
шоир.

Ҳарфидин оқиб шароби маъни,
Эл андин ўлуб хароби маъни.
Оҳанги саририким³⁷ равондур,
Гулбонги анодили жинондур³⁸.
Шаҳлар ёшурун ишига маҳрам,
Шаҳларға ривож бергучи ҳам.
Илм аҳли насиби андин афзун,
Жаҳл аҳли анинг ғамида маҳзун.
Олам иши интизоми андин,
Олам элининг низоми андин.
Ул бўлмаса, бўлмағай китобат,
Бу бўлмаса, қолмағай ҳикоят.

ҲИКОЯТ

Олам шаҳи Ардашери Бобак,
Ким шаҳлик ишида эрди чобак³⁹,
Дедики, жаҳонда шоҳларға
Тахт узра рафеъжоҳларға.
Икки нима келди ҳожат асру,
Шаҳлик ишида зарурат асру.
Бириси қилич, бириси хома,
Олмоқда жаҳон, битарда нома.
Ул бўлмаса, йўқ замона олмоқ,
Бу бўлмаса, йўқ фасона қолмоқ.

³⁷ Сарир — қадамнинг хат ёзиш вақтидаги овози. ³⁸ Анодили жинон — жаннат булбуллари, ³⁹ Чобак — чаққон, тез, илдам; уddaбуро, омилкор.

ХАТ ТАЪРИФИ

Хатдур сабаби тароши хома,
Зийнатбахши узори нома.
Сўз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хизонаси ҳам.
Ҳар сўзки кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, булғай эрди нобуд.
Қуръонки, эрур худо каломи,
Хат ичра аён бўлур тамоми.
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,
Хаттиға чекиб улусни ҳар дам.
Хаттин ғаразим эрур хати хўб,
Таълим қавоиди била жўб.
Анбардин⁴⁰ ўлуб анга мураккаб,
Кун олтунидин вале музаҳҳаб⁴¹.
Ҳар бир алифи ливойи⁴² уммид,
Ҳар бир кашиши⁴³ ҳаёти жовид.
Ҳар доманаси ҳилоли абру,
Ҳар нуқтаси шоҳвор лўълў.
Ҳар ҳарфеки, анда жилвагардур,
Авроқ юзига зеби фардур.
Ҳар сатреки, сарвдек чекиб қад,
Шамшод уётиға бериб мад.
Мундоқ хат эрур калиди арзоқ⁴⁴,
Ҳам котибига очуқдур учмоқ.
Бу навъ буюрди шоҳи аброр
Қим, илм ёрими хатдур, эй ёр.
Бас, мундоқ эса хат эътибори,
Иззат дарин оч хат аҳли сори.

⁴⁰ *Анбар* — хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хуш-буй қора модда. ⁴¹ *Музаҳҳаб* — тилла суви югуртирилган. ⁴² *Ливо* — туғ, байроқ. ⁴³ *Кашши* — тортиш (қаламни). ⁴⁴ *Арзоқ* — ризқ, нон-насиба.

ХАТ АСБОБИН БАЁН ҚИЛМОҚ ТАҚРИРИ

Эй, хат ҳавасии падида⁴⁵ қилгон,
Яхши битимак умид қилгон,
Саъйинг чу битарга бўлди жозим,
Асбобини билмак, ўлди лозим.
Қим, бўлмаса жамъ барча асбоб,
Ошуфта чу нол кўргасен тоб.
Ҳар нечаки жустужўй қилсанг,
Мақсуд уза гуфтугўй қилсанг,
Мақсуд иши ғайри воқеъ ўлғай,
Саъйинг талаб ичра зоеъ ўлғай.
Бас, билмаки бўлса бўйла вожиб,
Тақрири манга эрур муносиб.
Бир-бир қилойин борини таъйин,
Ҳар қайси ишини доғи талқин.
Ҳозир бўлу истиъмоъ⁴⁶ қилғил,
Азми раҳи интифоъ⁴⁷ қилғил.

ҚАЛАМТАРОШ СИФАТИ

Эйким, хати хўб эрур талошинг.
Бўлсун бу сифат қаламтарошинг
Қим, асрур итик печукки поку
Найни қалам этсун уйлаким му⁴⁸,
Нозук қалам ичра ойлонурдек,
Қомингча йўнарни қозғонурдек.

⁴⁵ *Падида* — пайдо. ⁴⁶ *Истиъмоъ* — эшитмоқ, тингламоқ. ⁴⁷ *Интифоъ* — нафъ ҳосил қилиш, фойдаланиш. ⁴⁸ Илгари қалам қамғиш найидан қаламтарош воситасида йўниб тайёрланган. У ҳозирги қаламдек ўзи ёзмаган, уни сиёҳга ботириб ёзишган.

Юпқа шақ⁴⁹ ойирмоқ ичра марғуб,
 Нүги қаламингни ёрғудек хўб.
 Гар мундоқ эмас қаламтарошинг,
 Йўнмоқ аро танг ўлур маошинг.
 Вар яхши йўнулмаса қаламлар,
 Шак йўқки, ёмон тушар рақамлар.


**БУ НУКТА ҚАЛАМ ТАФОВУТИДАКИМ,
 ҚАЙСИ ЯХШИДУР, ҚАЙСИ ЕМОН**

Бўлсун қаламинг латифу рангин,
 Оқу қизилу қарову сангин.
 Оқи бўлубон соригға мойил,
 Бўлсун қароси қизилға дохил.
 Сахт ўлсуну пухта барча ақлом,
 Яъники, бўш ўлмасун, дағи хом.
 Асру қарову оқ ўлмасун кўп,
 Бисёр ингичкаву йўғун кўп.
 Бўлса сўнгида бўғун нишони,
 Қўймаки, рақамгадур зиёни.
 Ё синса қалам, қилиб хасосат,
 Пайванд ани этма, бордур офат.
 Ё қисқориб ўлса тўрт бармоқ,
 Макруҳ дедилар они мутлоқ.

ҚАЛАМҚАТ МАЪРИФАТИ

Гар софу латиф эса қаламқат⁵⁰,
 Яхшидурур этгали қалам қатъ⁵¹.

⁴⁹ Шақ — қамишқалам учининг ёриқ қисми ⁵⁰ Қаламқат — қамишқалам учини қирқинча сўзга қўйиладиган суяк.
⁵¹ Қаламни қатъ этмоқ — қаламининг учини қирқмоқ, йўнмоқ.



Дандони латифу шохи софий,
Қат этгали бордур асру кофий.
Рухсат бу дегандин ўзга ашё
Гар бўлса зарур вақти пайдо.

ҚАЛАМ ЙЎНМОҚ ТАРИҚАСИ

Ҳар хомаки, йўнмоқ эрсанг, эй ёр,
Бир мартаба давриға ўра тор.
Қўр ул ип узунлигин саросар,
Йўнғил узунин анга баробар.
Мағзини олурда ков-ков эт,
Арзи сори ков бирла нов эт.

ШАҚ УРМОҚ ҚОНДАСИ

Шақ ур вале эътидол бирла,
Тадқиқи аро хаёл бирла.

ҚАТ ҚИЛМОҚ ТАРЗИ

Қат урмоқ анингдек айлагил соз,
Берсун қаламу қаламқат овоз.
Шарти қати хубким қиёдур,
Дилкашлиғи эътидол ародур.

ХОМАНИ ИМТИҲОН ҚИЛМОҚ БАЕНИ

Чун хома йўнулди, имтиҳон қил,
Нуқта қуюб имтиҳон аён қил.
Гар бўлса мураббаъу музаллаъ,
Ёзғилки, хатинг тушар мурассаъ⁵².

⁵² Мурассаъ — зийнатли, безакли, чиройли.

Йўқса, яна йўнмоқ ихтиёр эт,
Йўнғоч, яна имтиҳон шиор эт.

МУНИСНИНГ АСБОБ ЖАМЪИЯТИДН СЎНГРА ХАТҒА ИНОПТОБЛИҒИ

Мунис, қаламингни хат сари сур,
Қил тарки дарангу илгари сур.
Таълим ниҳонин ошкор эт,
Нуқта била ўлчамак шиор эт.
Бир-бир бори ҳарфга рақам сур.
Таълимини бошқа-бошқа билгур.

ТАЪЛИМН ҲУРУФИ МУФРАДА

Ул қавмки, хатга эрди возеъ,
Бу нукта алардин ўлди воқеъ.
Тули алиф уч нуқатдур, аммо
Ул хома биланки қилди иншо,
Арзи доғи сулси нуқта бўлғай,
Бешу ками бегумон бузулғай.
Онда ҳаракоти ҳамза пайдо,
Лекин батариқи рамзу имо.
Ул навъки гар бўлур нигунсор,
Бўлғай ёна ул сифат* намудор.

ҲАЗО СУВРАТИ «АЛИФ»

Бир нуқтача басдур аввали «бо»,
Лекин танида хилоф пайдо.

* Баъзи қўлёзмаларда «алиф».

Баъзи сўзи олти нуқтага хўб,
Баъзи деди етти нуқтадур хўб.
Устоддин ўлди доғи масмуъ⁵³
Ким, тўққузи бордур асру матбуъ⁵⁴.
Лекин бу фақир муддаоси,
Олти нуқату тўқуз ороси.
Бир навъ қадиға ҳам етишсун,
Андак таниға шикаст тушсун.

ҲАЗО ШАКЛИ «БО»

«Жим» аввалидур «ре» нигуни,
Пайвастайи «нун»и бозгуни.
Баъзи дедилар бидояти «жим»,
Таълим аро икки нуқтаву ним,
Қил доманасини уйла марқум,
Бўлсун ичи байзавор⁵⁵ маълум.

ҲАЗО «ЖИМ»

Бир нуқтани «ро»ға муттасил қил,
Куттоб қошида «дол» ани бил.

ҲАЗО АШКОЛИ «ДОЛ»

«Ро» қомати икки нуқта, аммо,
Боши бийик эрмас уйлаким «зо».

⁵³ *Масмуъ* — эшитилган. ⁵⁴ *Матбуъ* — табъга лойиқ, маъқул.
⁵⁵ *Байзавор* — тухумдай.

ҲАЗО ШАКЛИ «РО»

«Зо» уч нуқату валеқ сарқаш,
Қилса бўлуқ они қушға ўхшаш.

ҲАЗО ШАКЛИ «ЗО»

Дандонайи аввали сари «син»,
Бир нуқта баробар ўлди таъйин.
Иккинчисин айлагил қушода,
Ул навъки, нуқтадин зиёда.
Аммо тани «син»дур ўйлақим «нун»,
«Нун» зикри эруқ бу ерда матъун⁵⁶.

ҲАЗО СУРАТИ «НУН»

«Шин» маддини етти нуқта қил биф
Аммо қаж эруқ баайниҳи тиф.
Қажлик анга ул қадар муқаррар,
Ҳар ён алифе тушар баробар.
«Зе»дек анга чексанг ар хати соф,
Бўлғай гўё қамони наддоф⁵⁷.
Гар табъингга етмаса малоле,
Мунисдин эшит яна мисоле.
Устида агар чеқилса чап «шин»,
Бўлғай ичи шакли қиштиойин⁵⁸.

«ШИН» ШАКЛИ

Ул шаклда ёзғил аввали «сод»,
Бўлсун яна «сод» акси бунёд.

⁵⁶ *Матъун*—қерақсиа маъносида. ⁵⁷ *Наддоф* — юнғ ва пахта титувчи.

⁵⁸ *Қиштиойин* — қайиқсимон.

Баъзи деди «сод» бошин андоқ,
Ким шаклдадур нечукки чақмоқ.

ҲАЗО ШАКЛИ «СОД»

«То» зикрида деди баъзи устод,
Зебо алифию аввали «сод».
Бу нуқтага ман қилурман инкор,
«Сод» ости эрур сатбар бисёр.
Таълим будур, қилурман иймо
«Ро» фавқида тутса ер нигун «ро».
Бир нуқта «алиф»нинг иттисоли,
То ре сўнгиким, бор эрди холи.
Тутса «алиф» устида нишиман⁵⁹,
Минган кишидек саманди тавсан⁶⁰.
«Зо» еки бу ерда бўлди мазкур,
Дилкашроқ ўлур гар ўлса мақсур.

ҲАЗО «ЗО»

«Айн» аввалининг будур баёни,
«Сод» аввали қилса бўлғай они.
Деди яна устои моҳир:
Айлар они тўрт нуқта зоҳир⁶¹.
Ул нуқтаки «айн»га эрур зам,
Қил ташқари кунжин андаки кам.
Баъзи они буйла айлади фош,
Бир нуқтаву хатт уйлаким қош.

⁵⁹ *Нишиман* — ўгирган ҳолатда (чавандоз). ⁶⁰ *Саманди тавсан* — тезюар, чиройли, шўх, ўйноқи саман от. ⁶¹ Хаттотлик илмида нуқта хат, ҳарф ва рақам учун ўлчам ҳисобланади.

Қўр ҳалқайи «айн»у ҳалқайи «жим»,
Бир шаклда ёзди аҳли таълим.

ҲАЗО АМСОЛИ «АЙН»

Таълим аро келди ҳайъати «фо»,
Бир нуқтайи мустадиру⁶² бир «бо».
Ул нуқтаки, зикри бўлди авзаҳ⁶³,
Ёрим нуқат ила қил мусаттаҳ⁶⁴.

ҲАЗО СУВРАТИ «ФО»

«Қоф» афсари «фо» бошиға монанд,
«Нун» ҳалқасиға валеқ пайванд.

ҲАЗО ШАКЛИ «КОФ»

«Қоф» улдурур, эй ҳабиби дилбанд,
«Бо» аввалидур «алиф»ға пайванд.
Сар «Қо»ки «алиф» ягона узра,
Сончилғон ўқи нишона узра.
Эрмас қади тўрт нуқтадин кам,
Беш бўлса дағи эмастурур ғам.
«Қоф»и яна ўзга навъ эмишдур,
«Бо» ўрниға уч нуқат кашишдур.
Бу «коф»ки, зикри топти таъхир⁶⁵,
Машқ ичра муқаддам ўлди таҳир.

⁶² *Мустадир* — думалоқ шаклдаги, юмалоқ, тўғарақ. ⁶³ *Авзаҳ* — равшанроқ, очиқроқ. ⁶⁴ *Мусаттаҳ* — ёйиқ, ясси, текис ⁶⁵ *Таъхир* — кечикиш, кечиктириш.

ҲАЗО МИСОЛИ «ҚОФ»

Гар «лом»ни истасанг мураттаб,
«Нун» бирла «алиф»ни қил мураккаб.
Лекин «алиф»и тавил бўлсун,
То тўрт нуқат адил бўлсун.

ҲАЗО «ЛОМ»

Ҳаллоли рамузи⁶⁶ фанни таълим,
Бир нуқта ёзибдур афсари⁶⁷ «мим».
Аммо ики нуқта гарданидур,
Уч тул бинойи доманидур.
Баъзи деди бир узун «алиф»дур
Ким, тўрт нуқатга муттасифдур⁶⁸.

ҲАЗО ТАЪЛИМИ «МИМ»

Нун олти нуқатдур, эй қариндош,
Икки оёқ, икки тан, икки бош.
Уч нуқтадур икки лаб ароси
Ул навъки, умқининг⁶⁹ биноси.
Қўйсанг аёқиға афсари «жим»,
Қилғуси зуҳур пайкари «чим».

ҲАЗО МИСОЛИ «НУН»

«Вов» аввали нуқта, охири «ро»,
Бордур нуқати мусаллас аммо.
Мунис бу амалдадур баруманд,
«Вов» аввали «фо» бошиға монанд.

⁶⁶ *Ҳаллоли рамуз* — муаммоларни ҳал этувчи. ⁶⁷ *Афсар* — тож; «мим» ҳарфининг боши, учи. ⁶⁸ *Муттасиф* — сифатланган, таърифланган. ⁶⁹ *Умқ* — чуқурлик.

ҲАЗО СУВРАТИ «ВОВ»

Бир нуқтани «ҳо»га айла афсар,
Ёз неш ила ҳалқайи мудаввар.
Қил ҳалқа таҳин сатбар камроқ.
Нуқта сори ҳалқаға бер илсоқ⁷⁰.

ҲАЗО ШАКЛИ «ҲО»

«Ло» аввали бир «алиф», сўнги «ро»,
Сўнгра ёна бир «алиф» қил иншо.
Қил уйла «алиф»ларин баробар,
Бўлсун оқи бир «алиф» саросар.
Яхши назар этки, бордур алҳақ,
«Ло» уч «алиф»и қатор мулсақ⁷¹.

ҲАЗО АМСОЛИ «ЛО»

Ё бошидур уч нуқат муайян,
Бир нуқта дағи бинойи гардан.
Ё бўйнидин, эй рақамга мойил,
Қилса бўлур икки «дол» ҳосил.
Бир «дол»и нигун бўлур ҳувайдо,
Бўлғай ёна бир рост пайдо.
«Ё» бошини ондоқ айла иншо,
Бўлсун они айламак нигун «ё».

⁷⁰ *Илсоқ* — ёпиштириш, тиркаш. ⁷¹ *Мулсақ* — ёпиштирилган.

ҲАЗО ШАКЛИ «Ё»

Таълим аро «ёйи акс» эрур бу,
Айлай санга шарҳ мӯй бар мӯ.
Қил бошини «ро» ву бир нуқат хат,
Бир нуқта вале бошиға мунхат⁷².
Ул нуқтаға муттасил кашиш бер,
Қилк учиға чап сори равиш бер.
Тулини тўқуз нуқат хаёл эт,
Таълимини англа, ғавриға⁷³ ет.
Бўйни хамин айла ул сифат соз
Ким, орқаға бўйнин элтгай қоз.
Ул нуқтаки, бўйниға эрур зам⁷⁴,
«Айн» аввали айласа бўлур ҳам.

ҲАЗО «Ё-ИИ АКС»

Ҳар ҳарфки, мунда бўлмади зикр,
Таълимини қил назиридин фикр.
«Син» «Шин»ға агарчи мунда факдур⁷⁵,
Дандонаву мадга муштарақдур.
Ҳарчандки ойру бўлди зоҳир,
Таълим аро «син»у «шин» эрур бир.
Ойтилмади гарчи баъзи таълим,
Мавқуфи назардур, этма тазмим.

ХОТИМАТУ-Р-РИСОЛАИИ «САВОДИ ТАЪЛИМ» ВА ТАЪРИХ

Ёраб, бу рисолаким, битибман,
Таълифида жидду жаҳд этибман.

⁷² *Мунхат* — пастлашган, тушкун. ⁷³ *Ғавр* — туб, моҳият. ⁷⁴ *Зам* — қушиш, жамлаш, юклаш. ⁷⁵ *Фак* — бир-бирига ўхшаш икки ҳарфнинг фарқи, айримлиги, ўзига хослиги.

Элнинг назарида хор қилма,
Туфроқ уза хоксор қилма.
Қўрган кишиларни роғиб айла,
Таҳсилига балки толиб айла.
Ҳар ким ўқуса ниҳону зоҳир,
Бисёр қилиб шукуфта хотир.
Сол кўнглига онинг орзуе
Ким, қилса дуога жустужўе.
То бўлғай ўшул дуо била шод,
Мунис бўлубон аламдин озод.
Бу номаки буйла топти танзим,
Ёзилди оти «Саводи таълим».
Таърихи онинг бу навъ адодур,
Ҳижрат чоғидинки, ғамфизодур,
Минг икки юз ўн тўқуз эди йил,
Доғи рамазон учунчиси, бил.
Гўёки чаҳоршанба эрди
Итмоми қаламга даст берди.
Соқий, манга соғаре карам қил,
Лутфу карамингни дамбадам қил.
То они ичиб, қилиб ҳаловат,
Мастона даме топай фароғат.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بیتا شین آسکا کہ نا -	بیکتی جو مینا کا کلسا -
لوح ازل اوڑھو قیلہ جی -	بہن اوڑھو سرفا بروی -
جمہا تھی وجود ایہ مدلی -	جمہا تھی آیت شین مکملی -
ایہی ہی پیسج لی تھی -	جسبہ ایہہ ایہی رقیان -
مشاہدہ ہستی گلہ تھی -	دشمنان ایہی قیلہ تھی -
اولہ وراحد کریم طلسم -	ایہہ اوڑھو شیکھری -
مہبان ہندی فاضلہ کوی -	ایہہ اوڑھو شیکھری -

سنا

اوپر کین سناہ -

روح کلید که منجم فراداد

حجر سیم استی سلیقه استاد

رحمت سویی پر از قیل و دیم

آفاق که میاض ما و ذوق

ابر که سینه کین آبرو پیر

روح کلیم کاشت شو پیر

نامم ارباب هر یارے

مخشلیں که بدل میلے

انفال بهر فی ایا مستور

مجرم لار اچھ اقیلا محشور

سوسر نہ تو تار خانی دین

سلطان رس شفاعتی دین

نعت سیمالاسیا

شاهت کشور بوت

لیقا در اندر توت

ابوہ نسل اسرام

سردستہ امیا محمد

ذاتی سبب وجود عالم

اند اق کہ ایر طبعی آدم

آدم نہ لایکہ سجودی

آدمین بی بی کیم انیک بودی

طنز ایک اندا کہ روبرو

اظہار قلب بی کرامات

بشت ارجون باز پلیدی

یر لاری توتی محرومتی

مواجه مقامی و سیرت بزم	حاصل انکاشه شریک کلان
چو باده است فرغ عرض و طلب	انت کثیر بتفاوت الای
دینی قویانی کمال تائب	طلقات ملل زوال تائب
روشن قلبیان اصول حق	عالم فریاب فرخ زمین
وزن البیضاء ایادی عنایت	تلع بنگالی سگک بدایت
شاه سیدار و دلاور دما دم	بولسون انکا آل اکرم
اسماعیلی و شیار رحمت	اصحابه هم شمار رحمت

علم و بیاد پرسی تنیک عنوانی خلق مضامینی تنیک و بیاد
 اعنی سندتین لکه قضا اقصی القضا حضرت ختموم عبدالمطلب علی

موت شریک اقصاسی پرله	سواد علم پر ادو عباسی پرله
کیم چشمه بیج دین ابرو اول	سیانده حقین ابرو اول
سوادای جسمی ابرو اول	رخنده جهان جسمه مرنگ
فرمان بر کلمه حضرت حق	آگاه ز نور حکمت حق

هر علم در جامع انضیال	هر علم در جامع انضیال
مجموع علوم کم پیدا علوم	مجموع علوم کم پیدا علوم
مندی شرف و کجی در خط	مندی شرف و کجی در خط
هر علم کسی سپهر شمال	هر علم کسی سپهر شمال
مکمل بر اسم صانع	مکمل بر اسم صانع
علم آنچه درین این باب	علم آنچه درین این باب
نقد آنچه کالی آمدین است	نقد آنچه کالی آمدین است
مکملین اولوب خسته تعلیم	مکملین اولوب خسته تعلیم
سینه خطی سینه خطی	سینه خطی سینه خطی
تعلیم پروردگار پرستش	تعلیم پروردگار پرستش
یا تقدره بولا که هر فضیلت	یا تقدره بولا که هر فضیلت
اشواق مینماید و خف و ذوق	اشواق مینماید و خف و ذوق
و تشکر که هر چه در باب	و تشکر که هر چه در باب

حضرت کریم شریفی دور

حکیم ملکات حیات دور

عالم ادب و ادب بود

نظراتی و نقی اسیدا

جادویاز لیون نماند آتی

پرسون و نقی عیانست

بر صراطی نظم نیک سپی

عظیم منبری و مشتاق

کسب دست به کار کرد مشتاق

تعلیم و توفیق منتهی تبارک

مشق اناکار استیضا خط تبارک

در ایشین ادب ایلا کیم علم بود

ایلا را بدی حد ششم ادب بود

بن قاصد سطرین نوگیر بس

من ششم بی کیم خط ایر بس

حسد لعل نماند بر آتی

بانوس ایلا آتایین آتایین

تعلیم شین ایلا بدیم آملن

بیکار کچسوروت قلم تبارک

قیاسم ششم علوم انعام

لیکن که کولی کسب و ادب کجاست

عظیم ترین قیلوزده محفوظ

آهین طلب اعلی بولت کلمه

خط قاصد سی آتی تبارک

تا کینه شش بر شاد

خطی ایچا کانی اوزیم نیا
 میدان اوق بوز و صومعه
 کرده و زنگ قنبر
 سسندل ایتقاد شکر

هست کبرین سلیم کا اطلاق
 بودیم تسلیم آنتیغ
 یارب جو آتم دلنگ تیل
 شدره عتقاد ساری

تکلم تعریفی

لازم دور دنیا ساکنات
 هر چه که وصف لازما بران
 حق سر لایحه این تسلیم دور
 گو یا که ایدی تسلیم و بودی
 خواری مقبول و خواه خرد
 هیچ از زده اول ایچا کلن قلم
 جان اولک سبب انشا
 هر کجا آنگ شکر قرین

ای ابن تسلیم لایحه ایچا
 کیم کلیدی قلم خسته اوصاف
 منشی هر وقت درین تسلیم دور
 اول نیکیم تو زالدی بودی
 هر کجا نزل و اورد و ما بود
 ایراس ساری شکر بی قلم
 این منشی و بی لار آنست
 زیاده است بی قلم

اول آئین اول سحر است	دوم آئین اول سحر است
کتابک حنا در این جهان	کتابک حنا در این جهان
شاه در وراج بر کوهی	شاه در وراج بر کوهی
عسل و عسل است	عسل و عسل است
عالم آبی است	عالم آبی است
اول در سادگان	اول در سادگان

کتابت

کیم شد این سحر	کیم شد این سحر
تحت اوتنه	تحت اوتنه
شاه این سحر	شاه این سحر
آقا در جهان	آقا در جهان
بر اول سابق	بر اول سابق

مختصر

تخت محسن خوار نام
دو سینه است خوار

مسی زنی بیک خوار
بود خرفی نیک تاجی

خطاب لاسابو لاسای اریوهی اریوهی
بر سر که کوه کوهین اولدی بیوهی

خطاب محراب عیان اولدی بکاهی
قرآن که اریوهی خنده اکلای

خطی و نیک اولدی من ابراهیم
خطاب اقدار اولدی بی کوه

خطی و نیک اولدی من ابراهیم
خطاب من عتبه و ابرو در ظاهر

کلن آله شین دلی شیب
عشیران ابرو سکا ترکب

هرگز شکی حیات باوید
هرگز اسی لوی اسی

هرگز شکی شنا اولدی اولدی
بره اسی سی بلال ابرو

امان ابرو بکاریب و زرد
چرسته که آنرا اطلو گوید

نشا دو یا تین سیریه
هر سطر که سرود یک یک

کرم مسلم با بی خطه در ای بار
برنی او برودی شنا ابرو

عزت او برین آید خطه بی بار
بس صده آن آید خطه بی بار

اصول اسباب در بیان نیکان و خیر

ای ظاهر حسین بر در قیامان	سین قیامک همه قیامان
سینک چنار که بر لای علی	اسباسی نیلک لای الیه
کم دریا جامع باره اسباب	تقدیر بر مال که کاسر آب
بر خیز که بستر ی قیامک	مقصود از کوه کوه کوه قیامک
مقصود از این غیر درت او نماند	سینک ملک اسیر کوه قیامک
سینک کی بر لای و جیب	تقریری نیکه ای در اسباب
در شب من با روی زمین	بر نیلک شمشیر لای قیامک
مادر دل استیج قیامک	خبر هر دو در محل قیامک

ملکوت حق

ای گیم غروب ایروندک	بر لایون بوخت قلعه شینک
گیم ایروندک بر کرا که	نیلک سلم ایروندک ایروندک
از کوه قیامک بر لای قیامک	کوه شینک بر لای قیامک

دو کلمه یکدیگر را در یک خط

و باقی کلمات را در خط دیگر

نکته یقین که همان دو شمار رقم

بر طبق آیه سابقه هر دو

که در آن دو کلمه یکدیگر

در کتب خود نوشته اند

بر آنکه رقم تفاوتی که در کتب خود نوشته اند

آنچه در کتب خود نوشته اند

بر آنکه در کتب خود نوشته اند

میں کہ میں نے لکھا ہے

بسیار از کلمه یکدیگر

و تا که در کتب خود نوشته اند

پسندانی از کتب خود نوشته اند

آنکه در کتب خود نوشته اند

بر آنکه در کتب خود نوشته اند

آنچه در کتب خود نوشته اند

بسیار از کلمه یکدیگر

و تا که در کتب خود نوشته اند

پسندانی از کتب خود نوشته اند

آنکه در کتب خود نوشته اند

آنچه در کتب خود نوشته اند

نکته یقین

بسیار از کلمه یکدیگر

کلمات لفظی است

دندان لطیف است و صافی

نظیر خال باد و کسر کانی

جست و دیگر نوع انگشت

از لب فرو رود و قیاس

نم بر آن طرف

هنگام که بر آن است کسی یاد

بر هر شب دو بار بخورد آرد

که در اول سر آن دندان کسر

بر سینه اندوهن انگار بر

ساق او همان است

ساق او همان است

ساق او همان است

نظیر خال باد و کسر کانی

پیشانی ابو نافع استیلا است | ابو نافع یا اسحاق شاعر است

سوره شکر بسیار جمعی درین سوره شکر خط و در خط

سوره شکر در خطی که خط ساری سوره | تسبیح ترک رنگ یکبارگی سوره

تعلیم تبارین اشک است | خط بلور دنیا که شاعر است

پر براری شکر در رقم سوره | تعلیم است با شکر جمله

تعلیم در سوره

اول نوم که خط از ایردی است | برکت آردین اولدی است

طول اصناف خط دور است | اول نماز بیجا که تندی است

عرضی است تحت خط بر خط | پیش از کی بیکن بوزدنگ

آه استکات جمله پند است | لیکن طبعی در زود ایما

اول نوع که کر بوزدنگ است | اول نمای با اول صفت نمود

در صورت

پر خطی بسوزد اول است | لیکن تندی با طاعت میما

بعضی روزی آنی خطه فریب
بعضی روزی بی خطه دور توب

استادین اولدی دالی کیم
کیم تو قوزی بارور استر بلبل

لیکن بو خسته زده ما سے
آنق نقده تو قوز اراسه

پرتوغ قدی تو خسته بر ترون
انگهی کاسگت تو سون

پندگله

بیم اقلی دور ری کومے
چسته نون باز کومے

بعضی روزی لایه بیت جمیر
تعلیم اربا لیکن خطه ونیم

قیل است بیغی ایا بر قوم
بولسون ایکی عینه وار معلوم

منج

پز خطه اید منقر قیل
کتابه تاشی ادا ال ایلی

پندگله

دانش ایکی تک
ایتی بیسکایه ناسر لاکرنا

پندگله

زاد و حفظ ده لیک سرش | خلیا یوله رانی تو شفا بخا

و شکر

دخانه اول سه سین	چط بر اولی تقسیم
یکتبی سین ایلا کینل کشاوه	اولنوج که نقطه دین ز یادوه
امان چین دور ایلا کیم نون	نون و کری ایرور جویر مطهرن

در صورتی

شین مینی تی قطه قیل بیجا	یک ایرور حسینه تیج
کج لیک انکا اول قدر عقده	هر این الحی تو شفا برابوه
نوه دیک انکا بیک ککضی	بولغای کویا کان هتیب
کولبی کجا بجا مالا	سوزن بر شیت با انکا
اوسته اگر یکدین شین	برغای ایکی شکر کوشی آجین

در صورتی

اول شکر اول قدر اول مالا | سوزن با سوزن کوشی سالا

بعضی مددی مساد و سبب استخوان کیم شکل او در جوک که باقیان

بزرگ کرم

فاد که او مددی بعضی استخوان بزرگ است اول مساد

که گشته که من سبب استخوان مساد استی او در سبب استخوان

تقاریر بود و بقایه من ایسا را وقت اول استی او در سبب استخوان

وقت الفضا بسته استی او در سبب استخوان

پس بقایه استی او در سبب استخوان

ای که بر سبب استی او در سبب استخوان

ع ع

پس بقایه استی او در سبب استخوان

بزرگ استی او در سبب استخوان

پس بقایه استی او در سبب استخوان

بزرگ استی او در سبب استخوان

کو حلقه صین و طعنه نسیم | ایرنگی و ایازوی ایل تسلیم

هز استاک ع

حکیم راه آئیدی بیات نام | بر فک مستدیر و بر با
اول نطق که کره پوله می آید | باریم نطق اوله شین مسلح

هز استوق

تاف افتری هابا شید مانا | نون جاده سیخه و لیک بو

هز استوک

کلمات اوله زور اکی سیب نین | با اول دور الف نه چو نه
سنگ الف یکانه اوله زور | سانه یلکان اولی نیشانه اوله
ایر با سر قوی وقت خدیج | پیش بولس دانی ایاستور هم
کافی یلانه اوله کانج پیش دور | با اوله سینه اوله خنک کش دور
برکانه کوری تابی انیم | شتی بجه مقدم اولدی کور

هز استاک ک

فون پر الی علی فون مرکب	گرام ذایستاسا کلمه جری
تا ثورت نقطه علی بولسون	لیکن الفی طویل بولسون

بہا نکل

پر نقطہ پازیب و در اخر سیم	عقل سوز فون تقسیم
اوج طول بنامی و اسنی دور	دکا اکی نقطہ بگردنی دور
کیم ثورت نقطہ و نصف دور	سیمی بی بی روزن الفی دور

در اظہار

ایکی ایاق یکی تن ایکی باش	فون آتی نقطہ و رای فرشتیا
اوج و انواع کہ معنی تنیک بنام	اوج نقطہ دور اکی لب آسا
تینوی بی غور سپر کر نیم	تو یکک باقی فون سیم

در اظہار

اسد و شکل نکتہ	دور اقلی نقطہ آسنی را
سما و آلی ما ایشینہ ما سنا	مؤنس بولسون دور بر آسنہ

بهاره

باز نیش ایله خلقه نه تور
عظ ساری خلقه فیر الصفا

بیر خطه باغ ایلا اسه
قیل خلقه نیش عطسه کراون

بهاره

سه کرا ایما بیله الف قیل نیش
بولسون آتی بیله الف سسهر
لا اوج الف تظار و ملصق

لا اوقلی بیله الف سوکلی
نیش ایلا الفه لارین برابیر
نیشی عطسه است کرا و ذوق

بهاره

بیر قشک وانی بیله کراون
قلیا بولور اکی ال حاصل
بولنمای بیله سپری رهت پیدا
بولسون آتی به با کرا کون

ایماشی و اوج خلقه معین
بیرینی دینای قشقه فرمای
سردال کونک بولور هو پیدا
بیشینی آتاق ایلا نیش

بهاره

تعلیم اربابای علم پس برود	ایلی سکا شرح مادی بود
میل شینی او بر نقطه خط	بر نقطه ولی بشید منقط
اول نقطه نقل کشتن	کلاس او چون بیاری شوی
طولی تو تو نقطه میان است	تعلیم انکلا حوزی غایت
بونی چنین ایلا اول صفت ساز	کیم آرقه خود بنین ایلی کاسی قاز
اول نقطه که بونی در ایروان	عین اول ایلا سا بود

بده (مستطیل)

پرسف که موند اوله ای	تعلیم پس نظیر دین منکر
سین شین و اگر چه موند کلا	دندان در عکاشه کور
هر چند که آیره بولد می ظاهر	تعلیم اسامین شین برود بر
آینا دی گریه بعضی تسلیم	موتوت نظر دورا قیامت نیم

خانان ارسال سواد تعلیم

از کتب خرد و حدیث و کتب

اولینک نظر میا خوار قیلا	و فراق اوزه حال نیلا
کوهکان کیشم لاتی ره خراب	تخلینه بکله لب ایلا
هر کیم او قه سمانان د ظاهر	سید قلب تکلفه خاطر
سال که کتلیک آتیکه کد زوش	کیم قیلا د ماره دست چوش
تا بولغای او مشعل حایه نیش	سونس بولوبان المومین آراد
برناه که بوید تاتی تنگ سیر	بازیدنی آتی سواد تسلیم
تازنی آتیکه بونوع اولاد	کلیت جاننی دین که غم فرهاد
سیک ایکی بوز اون قورایرگی	دوانی رمضان او چوچکی سی قیل
کریا که چیا شنبه امیدی	انگای تسلیم فر دست پیردی
سان سگاسا عی کیم ش	الطفه که سیکه د جسم قیل

کاتک ایکب قیلا عیلات
سنانه دی با پای شت

۱۳۱۹

МУНДАРИЖА

Саводнинг бешиги — алифбе	3
Саводи таълим (кирилл ёзувидаги матн)	8
Саводи таълим (қўлёзма нусхадан)	28

ШЕРМУХАММАД МУНИС

САВОДИ ТАЪЛИМ

(Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма)

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Муҳаррир *Г. Насриддинова*
Бадий муҳаррир *Э. Нурмонов*
Муқова мусаввири *Н. Нурмонов*
Техн. муҳаррир *Ш. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *Л. Мирзааҳмедова*

ИБ № 7075

Теришга берилди 23.01.97. Босишга рухсат этилди 28.03.97.
Формати 84x108¹/₃₂. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпон-
сиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 2,52.
Шартли кр. — отт. 2,73. Нашр. т. 2,07. Тиражи 3000. Буюртма
№ 33.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№ 13—153—96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тош-
кент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнус-
обод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1997.